

ШАРТНОМА № 1/2
суюқ нефт газы етказиб бериш бўйича

Ғаллаорол тумани

“ 5 ” январь 2022 йил

Бизларким бир томондан «Grain Island» МЧЖ номидан корхона Низоми асосида иш олиб борувчи бошлиқ И.Эшмурзаев кейинчалик **ТАЪМИНОТЧИ**, иккинчи томондан Ғаллаорол магистрал газ қувурлари номидан йўриқнома асосида иш олиб борувчи бошлиқ Б.Хидиров кейинчалик **ИСТЕЪМОЛЧИ**, туздик ушбу шартномани.

Шартнома предмети

- 1.1. **Таъминотчи Истеъмолчига** суюқ нефт газини (бундан кейин пропан) етказиб беради.
1.2. Пропан етказиб бериш **Таъминотчига** тегишли бўлган Ғаллаорол тумани, Маданият ҚФЙ да жойлашган ГТШда, **Истеъмолчига** тегишли бўлган маиший газ баллонларини пропан билан тўлдириш орқали амалга оширилади.
1.3. Пропан етказиб бериш қуйидаги жадвал асосида келишилган миқдорда амалга оширилади:

| маҳсулот номи | ўлчов бирлиги | жами йиллик | шу жумладан чораклар бўйича | | | |
|---------------|---------------|-------------|-----------------------------|-----|-----|-----|
| | | | 1 | 2 | 3 | 4 |
| Пропан газ | кг | | 500 | 500 | 500 | 500 |

- 1.4. Шартнома тузилган вақтда 1 кг пропан газ нархи 15% ҚҚС билан бирга 7.250=00 (*етти минг икки юз эллик*) сўмни ташкил қилади. Пропан нархи, ЎзТХАБ сидаги пропаннинг котировка ўзгаришига қараб ўзгариши мумкин. Хом ашё, маҳсулотлар, ёқилғи-энергетика ресурсларининг нархи ўзгаришига қараб ва шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ҳуқуқий ҳужжат ва қарорларининг ўзгаришига қараб пропан газ нархи ўзгариши мумкин.
- 1.5. 1.4-бандда кўрсатилган нархда ўзгариш юзага келадиган бўлса, ушбу шартномага қўшимча келишув имзоланади.
- 1.6. Шартноманинг умумий суммаси 14500000 (Ҳу тўрт миллион беш юз миң) сўм. сўмни ташкил қилади.
- 1.7. Пропан газ учун тўлов банк қоидаларига мувофиқ амалдаги қонунчилик шаклларида амалга оширилади.
- 1.8. **Истеъмолчи** томонидан пропан газ учун 100% олдиндан тўлов амалга оширилгандан кейин, **Таъминотчи** томонидан, тарқатиш қайдномаси асосида етказиб берилади. **Истеъмолчи** томонидан олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда **Таъминотчи** пропан газ етказиб беришни тўхтатиб қўйиши ёки шартнома миқдоридан камайтириши мумкин. **Истеъмолчи** тўловни ўз вақтида амалга оширмаган тақдирда қарздорлик суммасининг 20% кўп бўлмаган суммада, ҳар бир кечикган кун учун қарздорлик суммасидан 0,4% устама (пеня) тўлайди.
- 1.9. **Таъминотчи** томонидан шартномада келишилган миқдорда пропан газ етказиб бериш ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда етказиб берилмаган пропан газнинг суммасининг 20% кўп бўлмаган суммада, ҳар бир кечикган кун учун етказиб берилмаган пропан газнинг суммасидан 0,4% устама (пеня) тўлайди.
- 1.10. **Истеъмолчи** ўзига тегишли бўлган маиший газ баллонларининг техник ҳолатига, созлигига ва синовдан ўтказилганлигига ва шунингдек босим остидаги газ баллонлардан фойдаланишда техника хавфсизлигига тўлиқ жавобгардир.
- 1.11. **Истеъмолчи** қуйидагиларга мажбур:
- а) пропан газдан ва босим остидаги газ баллонлардан фойдаланиш қоидаларига, техник шартларга, йўриқномаларга ва қўлланмаларга тўлиқ амал қилишга;
 - б) маиший газ баллонларини ва усқуналарини соз ҳолатда сақлашга;
 - в) ҳужжатларда маиший газ баллонларининг техник ҳолати ва уларнинг геометрик ҳажми тўғрисида ёзув ёзиб боришга;
 - г) маиший газ баллонларининг ташқи қисмида баллоннинг геометрик ҳажми, ўтказилган охириги ва кейинги синов муддатлари тўғрисида ёзув киритишга.
- 1.12. Шартномада кўрсатилган чораклик пропан газ миқдорини ойларга бир текис тақсимланган миқдорда **Таъминотчи** етказиб бериши, **Истеъмолчи** олиши лозим. **Истеъмолчи**, ойлик пропан газ олиши миқдорида кутиладиган ўзгаришларни ёзма тарзда ёки телефонограмма кўринишида **Таъминотчини** 5 кун олдиндан огоҳлантириб қўйиши

лозим. **Таъминотчи Истеъмолчини**, ГТШнинг ускуналарини жорий таъмирлаш вақтида 1 кун олдин, капитал таъмирлаш вақтида 10 кун олдин хабардор қилиши лозим.

1.13. Таъминотчи қўйидаги ҳуқуқга эга:

- а) маиший газ баллонларининг техник ҳолатини ва синов муддатлари тўғрисидаги мавжуд ҳужжатларни талаб қилишга ва текширишга;
- б) **Истеъмолчи (Истеъмолчи ходими)** томонидан суюқ нефт газидан фойдаланиш, маиший газ баллонларга суюқ нефт газни тўлдириш қоидалари ва регламенти талабларини бажармаган ҳолда пропан газ етказиб беришни тўхтатиб қўйишга.

Маҳсулот миқдори ҳисоби

- 1.14. **Истеъмолчига** етказиб берилган пропан газ миқдори газ тўлдириш колонкаларидаги счетчиклар кўрсаткичи орқали ёки назорат тарозиси орқали аниқланади. Агарда счетчиклар вақтинчалик техник носос ҳолатда бўлса, махсус лабораторияда метрологик текширувдан ўтказилган назорат тарозисида тара оғирлигини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Томонларнинг жавобгарлиги

- 1.15. Шартномада кўрсатиб ўтилган миқдордан зиёд пропан газ олинадиган бўлса қўшимча келишув расмийлаштирилади.
- 1.16. **Истеъмолчи** ёки **Таъминотчи** қўйидаги ҳолларда пропан газнинг шартнома миқдорини олмаса ёки етказиб бермаса жавобгарлиги бўлмайди:
- а) технологик жараёнда ва электр таъминоти тармоқларида олдиндан билиб бўлмайдиган ҳолатда бузилишлар юзага келса;
 - б) ёнғин бўлганда, ер силкинишида, сув тошқинида, бошқа табиий ва техноген офатларда;
 - в) электр таъминоти тармоқларида навбатдаги таъмирлаш вақтида ёки ўшанга боғлиқ синаш жараёнида, шунингдек технологик таъмирлаш вақтида.
- 1.17. Махсулот учун тўловни жавобгарликни таъминлаш мақсадида томонлар қўшимча гаров шартномаси, кафолат жавобгарлиги ёки нотариус томонидан тасдиқланган кафолат мажбурияти расмийлаштиришлари мумкин.
- 1.18. Томонлар ушбу шартнома шартларини бажармаса ёки талаб даражасида бажармаса Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчилик бўйича жавобгардирлар. Шартномада назарда тутилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасидаги ҳаракатдаги қонунлар билан тартибга солинади.

Шартноманинг амал қилиш муддати

- 1.19. Шартнома имзоланган санадан бошлаб кучга киради ва 31.12.2021 йилгача амал қилади.
- 1.20. Шартнома икки нусхада тузилиб иккаласи ҳам бир хил кучга эга.
- 1.21. Ушбу шартнома бўйича юзага келган келишилмовчиликлар Ўзбекистон Республикасидаги ҳаракатдаги қонунлар билан хўжалик судида кўриб чиқилади.

б. Томонларнинг реқвизитлари

«Таъминотчи»

“Grain Island” МЧЖ
манзил: Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани,
Маданият ҚФЙ
банк: Халқбанки Ғаллаорол ф-ли
банк коди: 00677
х/р: 20 208 000 404 903 050 001
СТИР: 301 625 731
ИФТУТ: 47300

И.Эшмурзаев

«Истеъмолчи»

“Ўзтрансгаз” АЖ Ғаллаорол МГКБ
манзил: Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани,
Газчилар кўрғони
банк: SANQATQURULISHBANK >> ATR 11274V HUNTAQAVIVYILMAYT MEO-01152
банк коди: 49500
СТИР: 200 626 188
х/р: 20 208 000 404 903 050 001

СТИР:

ИФТУТ:

Б.Хидиров

